

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮЛДАШЕВА ДИЛДАРА ДАЛИКУЗИЕВНА

**ТАЖРИБАВИЙ ТИРЕОТОКСИКОЗДА ҚОН ХУСУСИЯТИ ҲАМДА
ЖИГАР ВА БУЙРАК МИКРОЦИРКУЛЯЦИЯСИ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.4.PhD/Tib725 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ирискулов Бахтиёр Уктамович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Носир Мухаммаджонович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Урманова Юлдуз Маҳкамовна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г. И. Шайхова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н. Ж. Эрматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

З.А. Гиясов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги 20-30 йиллар давомида қалқонсимон без (ҚБ) гормонларининг молекуляр-хужайра даражасидаги вазифаси ва кўп қиррали табиати ҳақида кўплаб маълумотлар тўпланди. Тиреотоксикоз билан бирга келувчи ҚБ касалликлари «...енгил ва ўрта оғир даражали йод етишмовчилиги мавжуд бўлган минтақаларда яшовчи аҳолининг тахминан 2% да учрайди. Популяцияда тиреотоксикоз тарқалиш синдроми 0,5-1,2% ни ташкил этади...». Ушбу синдром 40 ёшгача бўлган аҳолии орасида кенг тарқалган бўлиб, эркакларга нисбатан (0,2%), аёлларда 10 марта кўп (2%) учрайди. Тиреотоксикоз сабабли вафот этганларнинг 18% да тромбоземболия қайд этилган¹. Сўнгги йилларда тиреопатиянинг барқарор ўсиши, эндемики зоналаридан ташқарида ҳам касаллик сонини умумий касалланишнинг 20% ини ташкил этади. ЖССТ маълумотларига кўра, ҚБ патологиясидан 200 миллиондан ортиқ, сўнгги 5 йил ичида иқтисодий ривожланган мамлакатларда касаллик муттасил ошиб, аёллар орасида 31,8% ни, эркакларда 16,7% ни ташкил этди².

Жаҳонда қалқонсимон без вазифасини самарадорлигини оширишга йўналтирилган турли хил этиологияли тиреотоксикозда, юқори сифатга эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада эритроцитлар мембранаси хусусиятларини, микроциркулятор тизимининг турли ҳудудларидаги ҳолатини белгилаб берувчи электрофоретик ҳаракатчанлиги ва эритроцитлар мембранаси “ζ”-потенциалини, қоннинг реологик хусусиятларининг бузилиш динамикасининг характери ва қон оқимининг тезлиги ва унинг динамик қовушқоқлигини асослашдан иборат. Жигарда периферик қон айланиш тизимининг динамик ва статистик параметрлари ҳамда буйраклар кортикал қатлами периферик қон айланиш тизимининг динамик ва статистик параметрлари бузилишларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора тадбирларини амалга оширмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясига мувофиқ ихтисослашган тиббий ёрдам сифатини ошириш асосий вазифа сифатида белгиланган³. Ҳал бўлиши кутилаётган асосий муаммолардан бири, йод етишмовчилиги ҳолатининг эрта ташхиси, юқори малакали, сифатли тиббий ёрдам ва асоратларининг профилактикаси. Бунда муҳим вазифалар қаторига даволаш усулларини такомиллаштириш, замонавий технологияларни қўллашни кенгайтириш ҳисобига турли генездаги тиреотоксикозни нотўғри даволаш натижасида юзага келадиган ногиронликни олдини олиш ҳисобланади. Бу Республика

¹ Erem S. Thyroid disorders and hyper coagulability // Seminars in Thrombosis and Hemostasis. - 2011. - Vol. 37, №1. - P. 17-26.

² ЖССТ ташкилот ҳисоботлари, 2017

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

аҳолисининг турли қатламлари вакилларининг ҳаёт давомийлиги, сифати ошиши ва касалланиш кўрсаткичлари камайишга асос яратади.

Диссертация доирасидаги тадқиқотлар Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 26 августдаги ЎзРҚ–393 «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071 сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охириги йилларда адабиётларда ҚБ касалликларида гемостаз тизими бузилишлари масаласи кенг муҳокама қилинмоқда. Узоқ хорижда олиб борилган тадқиқотларда тиреоид гормонларнинг гемостазга таъсири кенг ўрганилган (Horn M. Et al, 2004; Dörr M. et al, 2006; Erem C., 2011.). Vollmar В.Е. et al. (2009), Thomas W.D. et al. (2017) ва Charles R. et al (2010). Шунингдек ички аъзолар маҳаллий қон айланиш тизимини ўрганишга бағишланган бир қатор тадқиқотлар мавжуд Szymanski J. et al (2018). Яқин хориж адабиётларида олимлар томонидан тиреотоксик жигар, турли хил ҳолатларда қоннинг реологик хусусиятлари, эритроцитлар мембранаси электрокинетик хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар натижалари келтирилган (Здюмаева Н.П. ва ҳаммуал., 2007; Осиков М.В. ва ҳаммуал., 2007; Медведев И.Н. ва ҳаммуал., 2009; Муравьев А.В. ва ҳаммуал., 2009; Курилович С.А. ва ҳаммуал., 2009; Стадник Н.А., 2014). Тиреотоксикоз ҳолатида эритроцитлар мембранаси электрокинетик хусусиятлари, уларнинг қон реологик хусусиятларига кўрсатувчи таъсири, жигар ва буйрак микроциркуляция ўзани ҳолатини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмаган.

Ўзбекистонда ўтган даврлар мобайнида микроциркуляцияга таълуқли кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилган: жигар, буйрак ва меъда ости беги функционал – метаболик кўрсаткичлари, турли хил патологияларда қоннинг реологик хусусиятлари, хужайра мембраналари хусусиятлари, жигарнинг ўткир ва сурункали токсик захарланишига оид ишлар (Каримов Ҳ.Я., Иргашев М.К.), меъда ва ичак ярали шикастланишлари (Даминов С.А.), панкреатит, қандли диабет (Ирискулов Б.Ў.), миокардит, юрак ишемик касаллиги (Саидов А.Б.), жигар ва буйрак ишемияси (Маҳкамов Ҳ.А.), буйрак гидронефротик трансформацияси, пиелонефрит (Шораҳмедов Ш.К.), жигар ва меъда ости беги патологияси биргаликда кечиши (Асқаров Ҳ.А.). Гемореологияга таъсир қилувчи асосий омилларидан бири, эритроцитлар

мембранаси электрокинетик хусусияти, қон оқими тезлиги ва динамик қуюқлашиши ҳисобланади. Айнан шу кўрсаткичлар тўқима микроҳудудларига зарур моддалар ва кислородни мувофиқ равишда етказиб берилишини таъминлайди ва шу билан тўқима метаболизми оптимал даражада бўлишига асос яратади. Қон оқими бузилиши, унинг қовушқоқлиги ортиши қатор асоратларга сабаб бўлиши мумкин.

Илмий адабиётларда тиреотоксикоз фонида ички аъзолар микроциркуляцияси ҳақидаги маълумотларнинг етарли эмаслиги, улардаги метаболик жараёнларни изга солиш нуқтаи-назаридан мазкур беморлар контингентига комплекс даволаш чораларини ишлаб чиқишни сезиларли даражада қийинлаштиради. Айни вақтда, кўрсатилган бузилишларни коррекция қилиш муҳим аҳамиятга эга. Тиреотоксикоз фонида беморларда реология, микроциркулятор ўзан бузилишлари эрта ташхисини йўлга қўйиш, патогенетик терапияни такомиллаштириш, даво чоралари самарасини ошириш ва асоратлар сонини камайтириши долзарб вазифа саналади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим, ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Экспериментал патологиянинг турли шаклларида фаолияти ҳаёт учун зарур бўлган аъзоларнинг структуравий ва функционал-метаболик тавсифи» (2010-2016 йй.) мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажрибавий тиреотоксикоз шароитида қон реологик хусусиятлари, жигар ва буйракдаги микроциркулятор ўзан ҳолати ўзгаришларини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

микроциркулятор тизимининг турли ҳудудларидаги эритроцитлар мембранаси хусусиятларини белгилаб берувчи электрофоретик ҳаракатчанлик ва мембрана “ ζ ”-потенциали ўзгаришлари динамикасини ўрганиш;

қон реологик хусусиятлари бузилиш динамикаси характерлаш, қон оқими тезлиги ва унинг динамик қовушқоқлигини баҳолаш;

жигар маҳаллий қон айланиш тизимининг динамик ва статистик параметрлари бузилишларини ўрганиш;

буйраклар пўстлоқ қатлами маҳаллий қон айланиш тизимининг динамик ва статистик параметрлари бузилишларини ўрганиш;

тажрибавий тиреотоксикозда гемостаз тизимининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг вивариясида оддий рационда сақланган, оғирлиги 130-180 гр бўлган 100 та оқ, зотсиз, вояга етган эркак каламушлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тажриба ҳайвонларидан олинган қон, жигар, буйрак материалларидан фойдаланилган.

Тадқиқот усуллари. Диссертация доирасидаги тадқиқотларини бажариш учун клиник-лаборатор, биофизик, иммуноферментатив, биомикроскопик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тажрибавий тиреотоксикозда эритроцитларнинг электрофоретик потенциали ва эритроцитлар “ ζ ”-потенциали тиреотоксикоз муддати ортишига боғлиқ равишда пасайиб бориши асосланган;

қон реологик кўрсаткичларининг яққол намоён бўлган ўзгаришлари қон оқимиға паст босим таъсир этувчи ҳудудларда кузатилган, алмашинув ва олиб кетувчи томирлар даражасида қон оқиш тезлигининг кескин пасайиши ва динамик қовушқоқлигининг сезиларли ортиши аниқланган;

жигар ва буйрак маҳаллий қон айланиш тизимларидаги ўзгаришлар периферик қондаги тироксин концентрацияси ортишиға мос равишда ривожланиши исботланган;

маҳаллий қон айланиш тизимидаги ўзгаришлар ҳудудий хослиги гидродинамик босим паст бўлган жигар паренхимасида кескин намоён бўлиши, тиреотоксикоз ривожланиш муддати ортиб борган сари чуқурлашиши, тажрибанинг сўнгги муддатларида қайта тикланмас структуравий бузилишларға олиб келиши билан исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

электрофоретик ҳаракатланиш пасайиши кўринишидаги эритроцитлар мембраналарнинг электрокинетик хусусиятлари ва мембрана “ ζ ”-потенциалининг ўзгаришлари тиреотоксикоздаги қон қовушқоқлиги ортиши патогенезининг асосий бўғини бўлиб ҳисобланади, реологик бузилишларнинг чуқурлиги ва кўламини белгилайди;

қон оқими тезлигининг пасайиши ва динамик қовушқоқлигининг ортиши қон оқимиға паст босим таъсир этган соҳаларида яққолроқ намоён бўлади;

тажрибавий тиреотоксикоз шароитида жигар микроциркулятор тизимида, буйракка нисбатан этароқ ва чуқурроқ бузилишлар юзаға келади;

буйрақлар пўстлоқ каватида қон оқими тезлиги ва томир деворидаги ўзгаришлар аксарият ҳолларда транзитор характерға эға бўлди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тажрибада назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада тажриба ҳайвонлари танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларға бир-бирини мантқан тўлдирадиган клиник-лаборатор, иммунофермент, биофизикавий, статистик усуллар билан таъминланган. ҚБ патологиясидаги диагностик ва прогностик меъзонлар, турли усулларнинг қўлланилганлиги, ҳулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тиреотоксикоз моделини юзаға чиқаришнинг назарий аҳамияти патологик жараён ривожланиш босқичларини динамикада аниқлаш имконини беради. Микрогемоциркулятор бузилишлар аниқланиши, даволаш муолажаларини сифатини ошириш учун маълум даражада ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қоннинг қовушқоқлик ва эластиклик хусусиятлари бузилишининг намоён бўлиш даражасини, гемостаз параметрларининг ва айниқса жигардаги микроциркуляциянинг бузилишини аниқлашни ўз ичига олади. Бу ўз навбатида келгусида аниқланган камчиликларни коррекция қилишга қаратилган самарали усулларни ишлаб чиқишга, келиб чиқиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва комплекс фармакотерапия самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Тадқиқот натижалари ҚБ патологиясида профилактика, даволаш ва реабилитация усулларини ишлаб чиқаришда назарда тутилиши лозим. Олинган тадқиқот материаллари патофизиологлар, эндокринологлар, гематологлар, терапевтлар ва бошқа соҳа мутахассислари учун мўлжалланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тажрибавий тиреотоксикозда қон хусусияти ҳамда жигар ва буйраклар микроциркуляцияси бўйича олинган натижалар асосида:

«Юқори концентрацияли тироксиннинг микроциркуляция тизимига таъсири» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 9 октябр 2018 йилдаги 8н-д/202-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма юқори концентрациядаги тироксин таъсирида юзага келувчи микроциркуляциянинг ўзгариши, паренхиматоз аъзолар фаолиятининг бузилиши ва қоннинг реологик кўрсаткичлари ўзгаришини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини яратган.

Тажрибавий тиреотоксикозда қон хусусияти ҳамда жигар ва буйраклар микроциркуляциясига таъсири бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиёти, жумладан, Тошкент Давлат стоматология институтининг илмий амалий маркази, Тошкент Фарманцевтика институти қошидаги координацион бирикмалар синтези ва фармакологик-токсикологик тадқиқотлар лабораторияси илмий тадқиқотлар амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 14 январ 2019 йилдаги 8н-з/5-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши жигар ва буйракларда микроциркуляция ва қоннинг реологик хусусиятларини бузилиши, тиреотоксикозда паренхиматоз органларда ривожланиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 та Республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилди.

Диссертациянинг «**Тиреотоксикоз патогенезининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида тиреотоксикознинг ҳозирги кундаги муаммоларига маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг илмий иш нашрларининг таҳлилий натижалари келтирилган. Ушбу патологиянинг ривожланиши, этиологияси ва патогенези механизми тўғрисидаги илмий ва амалий аҳамияти баён этилган. Мазкур муаммо бўйича охириги йилларда чоп этилган илмий мақолаларда тиреотоксикоз гормонларнинг ички аъзолар фаолияти кўрсаткичларига, иммун ва гемостаз тизимларига таъсири ёритилган. Кенг кўламдаги илмий тадқиқотлар мавжудлигига қарамай, тиреотоксикозда қоннинг реологик хусусиятлари ва микроциркулятор тизимидаги ўзгаришлар, мазкур муаммони ҳал этиш бўйича илмий изланишларни давом эттириш заруратини белгилаши очиб берилган.

Диссертациянинг «**Тажрибавий тиреотоксикозда гемореология ва микроциркуляцияни баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тажрибавий материалларнинг умумий таърифи берилган бўлиб, унда тадқиқотнинг умумий усуллари баён этилган. Тадқиқотларда Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиология хизматлари талабларига жавоб берадиган, Тошкент тиббиёт академиясининг лаборатор вивариясида, доимий оддий рационда сақланган, бошланғич вазни 130-180 гр бўлган 100 та вояга етган, оқ, наслсиз эркак каламушлардан фойдаланилди.

Тадқиқот мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, барча ҳайвонлар тажрибаларнинг биринчи босқичида тажриба муддатларига мос равишда ҳар бирида 12 бош каламуш бўлган 4 гуруҳга бўлинди. Уларда тиреотоксикоз фониди 7, 14, 21, 28 кунларида эритроцитлар мембранаси электрофизик хусусиятлари, қон реологик хусусиятлари, микроциркулятор ўзгаришлари ўрганилган. Тажрибаларнинг иккинчи босқичида барча муддатларда қон гемостатик тизими фаоллигини ўрганиш учун ҳар бирида 10 тадан каламуш бўлган 4 гуруҳ ташкил этилди. Назорат гуруҳи сифатида 12 та интакт каламуш (патологик жараён моделлаштирилмаган) жонзотлар олинди.

Тиреотоксикознинг тажрибавий модели Л.М. Голбер ва ҳаммуаллифлар томонидан ишлаб чиқилган тироксинни қўллаш усули ёрдамида олинди. Тажриба учун олинган каламушларига 100 мкг/кг тана вазни ҳисобидан L-тироксин (Berlin-Chemie, Германия) 28 кун давомида per os юборилди.

Эритроцитлар мембранаси “ζ”-потенциали А.В. Путвинский ва ҳаммуаллифлар томонидан ишлаб чиқарилган усул ёрдамида ўрганилди.

Эритроцитлар Cl^- концентрацияси паст бўлган муҳитга солинади. Бунда хужайра ичида мусбат белгига эга бўлган диффуз хлорланган мембрана потенциали ҳосил бўлади. Потенциал энг юқори кўрсаткичларигача етганда, катионлар учун мембрана ўтказувчанлиги кескин ошади. Айнан шу ҳолат диффуз хлорли эритроцитлар мембранасининг электрик тарзда тешилишига олиб келади. Мембрана потенциалининг бу катталигида, эритроцитлар қисман гемолизга учрайди ва улардан K^+ чиқиши ортади.

Эритроцитларнинг электрофоретик ҳаракатланишини ўрганиш учун В.С. Столяр микрометодидан фойдаланилди. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, махсус Горяева камерасида микроскоп остида эритроцитнинг кумуш электрод билан юзага келтирилган электр майдонида ҳаракатланиш тезлиги ўлчанади (15та эритроцитнинг ҳар хил йўналишдаги тезлиги ўлчанади).

Қоннинг реологик хусусиятини аниқлашда В.М. Удовиченко модификациясидаги Коупли усулидан фойдаланилди. Шиша капилляр найчада қон томчиси силжиш тезлиги ва қовушқоқлиги аниқланди (ҳар бир тадқиқотдан сўнг капилляр найча 0,5% нашатир спиртида ювиб, тозаланган). Қон қовушқоқлиги 2, 4, 8, 12, 16 мм.с.у.ст. гидростатик босим кўрсаткичлари таъсирида аниқланди. Қон оқимида кўрсатилаётган бу босим катталиклари маҳаллий қон айланиш тизимидаги турли қисмлардаги босимга мос келади.

Жигар ва буйраклар микроциркулятор ўзани биомикроскопияси учун «ЛЮМАМ - ИЗ» (ЛМОМ, РФ) люминесцент микроскопидан фойдаланилди. Биомикроскопик микроструктур кўрсаткичлар рақамли телевизион анализатор билан уланган ҳолда рақамли камера дискига муҳрланди. Тажриба 70 мг/кг тана вазни ҳисобидан, умумий тиопентал наркози билан бажарилди. Наркоздаги тажриба ҳайвони иситишга мосланган ($37^{\circ}C$) тана ҳароратини сақлаб берувчи манипуляцион тахтачага мустаҳкамланди. Қорин бўшчилиги қовурға равоғи пастки қисмидан айлана чизик ҳосил қилиб кесилди. Жигар нафас ҳаракатини чегаралаш учун махсус фиксацияловчи ойнача диафрагма ва жигар оралиғига ўрнатилди. Буйраклар устки капсуласи гидропрепаровка усулида олиб ташланган ҳолда тажрибага олинди. Аъзолар устки қисмини намлигини таъминлаш учун доимий равишда NaCl нинг 0,9% ли физиологик эритмаси билан ювиб турилди. Тадқиқотларда маҳаллий қон айланиш тизими микромироларининг диаметри ва қон оқими тезлиги аниқланди.


Олинган натижалар статистик таҳлилида Statistica version 6.0 программаси қўлланилиб, Стьюдент вариацион статистик усулидан фойдаланилди (ишончилилик меъзони $p < 0,05$).

Диссертациянинг «**Тажрибавий тиреотоксикозда эритроцитлар мембранаси хусусиятларининг ҳолати**» деб номланган учинчи бобида, эритроцитлар деформацияси тўғрисидаги маълумотлар келтирилган бўлиб, улар клиник-физиологик кўрсаткичларнинг асосий қисми ҳисобланади. Эритроцитларнинг бу кўрсаткичлари микроциркуляция даражасида турли кўринишдаги патологияларда томирлар бўйлаб қоннинг ҳаракатини

белгилайди. Эритроцитлар мембранаси ўтказувчанлигини бузилиши ҳужайра ичи ва ташқи томонидаги мувозанатни бузилишига олиб келади ҳамда мембрана электрокинетик параметрларини силжишига сабаб бўлади.

Тадқиқотнинг дастлабки кунларидан бошлаб, тиреотоксикозда эритроцитлар мембранасининг электрофоретик потенциали (ЭФП) ва “ζ”-потенциали кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар аниқланди (1-расм). Агарда ЭФП кўрсаткичи интакт ҳайвонларда $1,35 \pm 0,07$ μ /сек/v/см тенг бўлса, тажрибанинг 7 кунига келиб $0,93 \pm 0,05$ μ /сек/v/см (31,4%) га тенг бўлди. Эритроцитлар “ζ”-потенциали катталиги интакт ҳайвонларда $20,13 \pm 0,88$ μ Вт га тенг бўлди. Тажрибанинг 7-куни, бу параметр тажриба ҳайвонларида $13,57 \pm 0,62$ μ Вт га тенг бўлиб, интакт ҳайвонлар кўрсаткичидан 32,6% га пасайган.

14 кундан сўнг эритроцитлар мембранасининг параметрлари ўзгаришлари чуқурлашишида давом этди.



1-расм. Тажрибавий тиреотоксикозда эритроцитлар мембранаси электрофоретик ва “ζ”-потенциали.


Аввалги муддатга нисбатан ЭФП 15,3% пасайди ва $0,72 \pm 0,04$ μ /сек/v/см га тенг бўлди. Эритроцитларнинг “ζ”- потенциаллари эса 14,3% га камайиб, $10,69 \pm 0,57$ μ Втга тенг бўлади.

Тадқиқотнинг 21-куни электрофоретик потенциал олдинги муддатга нисбатан 10,4% пасайган, ва $0,58 \pm 0,03$ μ /сек/v/см ташкил этди, интакт ҳайвонлар кўрсаткичидан 57,1% камайган. Эритроцитлар “ζ”-потенциали аввалги даврига нисбатан 10,7% га камайди ва $8,54 \pm 0,51$ μ Вт тенг бўлди. Бу кўрсаткич интакт ҳайвонларнинг қийматидан 57,6% кам. Тажрибанинг якуний муддати (28-кун) эритроцит мембраналарининг параметрлари янада пасайди. Электрофоретик потенциал $0,50 \pm 0,03$ μ /сек/v/см ва “ζ”-потенциал $6,91 \pm 0,43$ μ Вт тенг. Бу кўрсаткичлар мос равишда интакт ҳайвонлар кўрсаткичидан 63,2% ва 65,7% га пасайган.

Тадқиқот натижаларидан кўришиб турибдики, тиреоид гормонлар эритроцитлар мембраналарининг биофизик хусусиятларига таъсир қилади. Қон оқимидаги эритроцитларнинг электростатик кучланишининг пасайиши, қоннинг белгилари ва шаклли элементларининг қовушқоқ-эластик хусусиятлари билан белгиланади. Эритроцитлар мембранаси электрокинетик хусусиятларининг бузилиши қоннинг реологик хусусиятлари бузилишида таянч нукта бўлиб ҳисобланади. Қоннинг эластик-қовушқоқ хусусиятларининг мазкур бузилишлари тиреотоксикоз даврида юзага келадиган микроциркуляция даражасидаги умумий периферик қаршиликнинг ўсишига сабаб бўлади. Қон айланишининг бу хилдаги ўзгаришлари модда алмашинув бузилиш патогенезида асосий омил бўлиб ҳисобланади. Бу ўз навбатида келгусида ривожланиши мумкин булган ўзгаришларни бартараф этишга қаратилган тегишли чоралар кўришни тақозо этади.

Диссертациянинг «**Экспериментал тиреотоксикоздаги қоннинг реологик хусусиятларининг ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобида тажрибавий тиреотоксикоз фонида қоннинг динамик қовушқоқлиги ва оқим силжишлар тезлиги тавсифи акс эттирилган. Тажрибавий тиреотоксикозда қон оқими силжишлари тезлиги ва миқдорини ўрганиш қон оқимида таъсир этадиган босимнинг деярли барча қийматларида сезиларли даражадаги ўзгаришлар юзага келишини кўрсатди.


Тажрибанинг 7-куни тажриба ҳайвонларида қон оқим тезлигининг силжиши 2 мм.сுவ.уст босим таъсирида $9,07 \pm 0,74 \text{ с}^{-1}$ ва 16 мм.сுவ.уст босим таъсирида $102,47 \pm 6,28 \text{ с}^{-1}$ тенглиги аниқланди. Бу интакт ҳайвонлар кўрсаткичларидан мос равишда 46,9% ва 13,4% паст (2-расм).



2- расм. Тажрибавий тиреотоксикозда қон оқими силжиш тезлиги.

Қоннинг динамик қовушқоқлиги силжиш тезлигига мос равишда ўзгарди. Босим 2 мм.сув.уст. бўлганда динамик қовушқоқлик 32,8% га ошди

ва $11,27 \pm 1,28$ сПз ва 16 мм.сув.уст. бўлганда 12,3% га ошди ва $2,48 \pm 0,15$ сПсни ташкил қилди (3-расм).



3-расм. Тажрибавий тиреотоксикозда қоннинг динамик қовушқоқлиги.

Тажрибанинг 14-кунида қоннинг реологик хусусиятлари кўрсаткичлари бузилиши мураккаблашишда давом этди. Минимал босим қийматларини қўллашда $7,31 \pm 0,42$ с⁻¹, максимал босим кўрсаткичларида эса $98,67 \pm 4,71$ с⁻¹ га тенг бўлди. Бу мос равишда интакт ҳайвонлар кўрсаткичидан 57,2% ва 16,6% га паст бўлди.

Тажрибанинг кейинги даврларида қоннинг реологик хусусиятлари бузилиши ривожланишиб борди. 21-кундан сўнг 2 мм.сув.уст. босимини қўллашда силжиш тезлиги $5,96 \pm 0,38$ с⁻¹ бўлиб, бу интакт ҳайвонлар гуруҳдаги қийматдан 65,1% кам. Динамик қовушқоқлик кўрсаткичлари 54,1% га ошди ва минимал қон оқимиға татбиқ этилган босимнинг қиймати $13,08 \pm 1,43$ сПсни ташкил этди. Босим 16 мм.сув.уст.да динамик қовушқоқлик 26,5% га ошди ва $2,80 \pm 0,23$ сПсни ташкил этди.

Тажрибанинг 28-куни силжиш тезлиги 2 мм.сув.уст. босим бўлганда $4,32 \pm 0,21$ с⁻¹ гача камайди, бу эса интакт ҳайвонларга қараганда 74,7% паст натижа демакдир. Босим 16 мм.сув.уст. кўрсаткичда қўлланилганда, силжиш тезлиги $86,75 \pm 5,83$ с⁻¹ тенг, бу интакт ҳайвонлар қийматидан 26,7% кам демакдир. Шу каби бузилишлар қоннинг динамик қовушқоқлигини ўрганишида ҳам аниқланди. Олинган натижалар қон оқимиға татбиқ этилган босимнинг паст кўрсаткичларида қоннинг реологик хусусиятлари чуқурроқ бузилганлигини кўрсатди.

Паст босимли ҳудудларда қўлланилган босим қиймати, юракдан узоқлашган сари ошиб боради. Томирлар ўзанининг бу қисмида, миокарднинг қисқариш кучи, периферик томирлар ўзани қаршилигига қараб

пасайиб боради; қоннинг реологик хусусияти ўзгарганда, метаболик, нейрогуморал омилларнинг ўзаро муносабати ва қоннинг шаклли элементларига боғлиқ ҳолда аввал томирлар функционал ҳолати ўзгаради, трансмурал босим ва вазоконстриктор реакция, нейрогуморал стимуляцияга жавобан микроциркулятор томирларда морфологик ўзгаришлар, уларнинг моделлаштириши асосида шаклланади. Гидростатик босим ошганда, артериолаларнинг дилатация резерви пасаяди. Шунинг учун қоннинг қовушқоқлиги, томирларнинг умумий периферик қаршилиги ошиб боради. Томирлар ўзанининг дилатация резерви чекланганда, реологик параметрлар ўзгача тус ола бошлайди, қовушқоқлик ошиб бориши томирлар умумий периферик қаршилиги ҳам ошиб боради, бу тўқималарга кислородни оптимал даражада етиб келишига қаршилик қилади. Шунда қилиб, қоннинг реологик хусусиятлари бузилиши, томирларнинг умумий периферик қаршилигининг микроциркуляция даражасида ошиши, симпатикотония билан биргаликда, тиреотоксикоз ҳолатида, моддалар алмашинуви бузилишининг патогенезида асосий бўғин ҳисобланади.

Диссертациянинг «Тажрибавий тиреотоксикозда жигар ва буйраклар кортикал қатлами микроциркуляциясининг ҳолати» деб номланган бешинчи бобида тиреотоксикознинг ривожланиш динамикасида жигар ва буйраклардаги биомикроскопик тадқиқот натижалари баён этилган.

Тажрибанинг 7-куни жигар микроциркулятор ўзанининг ангиоархитектоникаси сақланган (4-расм).



4-расм. Тажрибавий тиреотоксикозда жигар микроциркуляцияси. Тажрибанинг 7-куни L-тироксин юборилгандан сўнг. Объектив 10×0,40.

Синусоидлар девори чегаралари аниқлиги бироз йўқолган. Баъзи синусоидлар даражасида шаклли элементларнинг агрегация ўчоқлари қон оқимини тўхташи билан бирга намоён бўлган. Синусоидлар диаметри $10,21 \pm 0,79$ мкм га тенг (меъёр кўрсаткичларидан 12,9% ошган), уларда қон оқими тезлиги $0,169 \pm 0,017$ мм/сек (меъёр кўрсаткичларидан 36,6% пасайган). Марказий йиғувчи венулалар чегаралари аниқлигини йўқотмаган. Ушбу томирлардаги қон оқимининг узлуксизлиги сақланган. Портал венулалар

диаметр $35,04 \pm 1,80$ мкм (меъёр кўрсаткичларидан 25,6% ошган), қон оқими тезлиги $0,140 \pm 0,012$ мм/сек (меъёр кўрсаткичларидан 38,4% пасайган). Периваскуляр ўзгаришлар аниқланмади. Буйрақлар пўстлоқ қавати маҳаллий қон томирлар ўзани ангиоархитектониқаси сақланган (5-расм).




5-расм. Тажрибавий тиреотоксикозда жигар микроциркуляцияси. Тажрибанинг 14-куни L-тироксин юборилгандан сўнг. Объектив $10 \times 0,40$.

Томирларда қон оқими тез, равон, узлуксиз проксимал эгри каналчалар девори меъёрда, аниқ ва текис. Уларнинг диаметри $8,62 \pm 0,22$ мкм, интакт ҳайвонлар мос кўрсаткичларидан сезиларли даражада ўзгармаган. Қон оқими тезлиги ҳам сезиларли равишда ўзгармаган - $0,399 \pm 0,031$ мм/сек. Функцияси тўхтаган капиллярлар кўриш майдонида кузатилмайди. Венулалар диаметри $48,77 \pm 3,15$ мкм ташкил қилди (меъёр кўрсаткичларидан 10,2% ортиқ), қон оқими тезлиги $0,230 \pm 0,014$ мм/сек (меъёр кўрсаткичларидан 13,7% паст).

Тажрибанинг 14-кунида ўтказилган тадқиқотлар жигар тўқимасида кенгайган синусоидлар ва қон оқимидан узилиб қолган ўчоқлар мавжудлигини кўрсатди. Қон оқимининг секинлашиши кўпроқ марказий йиғувчи венулалар даражасида намоён бўлди, венулалар диаметри $47,04 \pm 2,01$ мкм (меъёр кўрсаткичларидан 68,8% ортиқ). Қон оқими тезлиги $0,119 \pm 0,008$ мм/сек (меъёр кўрсаткичларидан 47,5% паст). Портал венулалар диаметри $38,67 \pm 2,93$ мкм (меъёр кўрсаткичларидан 12,8% ортиқ), қон оқими тезлиги эса $0,204 \pm 0,013$ мм/сек (меъёр кўрсаткичларидан 38,3% паст). Фаолият юритаётган қон томирларида қон оқими донатор характерга эга бўлади. Эритроцитларнинг периваскуляр диапедезининг яқка ўчоқлари аниқланди.

Буйрақлар кортикал қатламининг ангиоархитектониқаси сақланиб қолган (6-расм). Микроциркуляциянинг динамик ва статик кўрсаткичларида статистик ишонарли ўзгаришлар аниқланмади. Проксимал эгри каналчалар капиллярлари $8,79 \pm 0,36$ мкм тенг, 2,4% ташкил қилди. Қон оқимининг


тавсифи ва тезлиги сезиларли ўзгаришларга учрамаган. Проксимал эгри каналчалар капиллярлари қон оқими тезлиги $0,382 \pm 0,040$ мм/сек (мейъёр кўрсаткичларидан 12,4% пасайган). Капиллярлар деворлари орасидаги чегарани ва эгри каналчалар емирилишининг якка ўчоқлари, капилляр деворларининг плазматик тўйиниши ҳисобига юзага келиши мумкин. Венулалар диаметри $50,32 \pm 4,24$ мкм (мейъёр кўрсаткичларидан 13,7% ошган), уларда қон оқими тезлиги $0,216 \pm 0,027$ мм/сек тенг (мейъёр кўрсаткичларидан 19,2% пасайган).



6-расм. Тажрибавий тиреотоксикозда буйрак микроциркуляцияси. Тажрибанинг 14-куни L-тироксин юборилгандан сўнг. Объектив $10 \times 0,40$.


21 кундан сўнг жигардаги микроциркулятор оқим бузилишининг ўзгаришлари, ўтган муддатги нисбатан солиштирилганда янада яққолроқ намоён бўлди. Венозли гиперемия ва стаз ўчоқлари кенгайган. Бу эса марказий йиғувчи венулалар диаметрининг $47,65 \pm 2,28$ мкм кенгайиши билан намоён бўлди, мос ҳолда мейъёр кўрсаткичларидан 71% ошган. Улардаги қон оқими тезлиги $0,095 \pm 0,010$ мм/сек (мейъёр кўрсаткичларидан 58,2% паст). Портал венулалар даражасидаги ўзгаришлар яққол кўринишга эга бўлмади. Фаолият олиб бораётган синусоидларда қон айланишининг бузилиши даражаси аввалги муддатлар билан таққослаганда янада аниқроқ кўринган. Синусоидлар диаметри $12,61 \pm 0,56$ мкм гача кенгайган, улардаги қон оқими тезлиги $12,61 \pm 0,56$ мм/сек гача пасайган. Эритроцитларнинг периваскуляр диапедези кенг тарқалган характерга эга бўлиб, жигар бўлакчаларига хос бўлган қон томир ангиоархитектоникасининг бузилишига олиб келган. Буйракларнинг пўстлоқ қаватидаги ўзгаришлар жигарда аниқланган ўзгаришлардан кескин фарқ қилган. Бу ерда ангиоархитектоника сақланиб қолган, капиллярларнинг контурлари текис, аниқ, аммо жигарда бўлгани каби, томирларда агрегатлар юзага келган. Проксимал эгри каналчалар капиллярлар диаметри $9,32 \pm 0,45$ мкм гача кенгайган. Улардаги қон оқими тезлиги 16,9% га секинлашиб, $0,362 \pm 0,027$ мм/сек га тенг бўлган.

Тадқиқотнинг сўнгги даври (28 кун) олдинги муддатларда тасвирланган ўзгаришларнинг кучайиши билан тавсифланади (7-расм).



7-расм. Тажрибавий тиреотоксикозда жигар микроциркуляцияси. Тажрибанинг 28-куни L-тироксин юборилгандан сўнг. Объектив 10×0,40.

Жигар ангиоархитектоникаси бутунлай бузилган, синусоидларнинг кўп қисмида стаз, перисинусоидал бўшлиқларда қон экстравазацияси қайд этилган.



8-расм. Тажрибавий тиреотоксикозда буйрак микроциркуляцияси. Тажрибанинг 28-куни L-тироксин юборилгандан сўнг. Объектив 10×0,40.

Синусоидлар диаметр $12,87 \pm 0,88$ мкм тенг, улардаги қон оқими $0,099 \pm 0,010$ мм/сек тенг. Жигар маҳаллий қон айланиш тизимининг барча

таркибий қисмларида мазкур ўзгаришлар аниқланган. Қон оқими тезлиги кескин пасайган.

Буйрақлар пўстлоқ қавати ангиоархитоникаси, жигарга нисбатан сақланиб қолган (8-расм). Микротомирлар ўзанида қон оқимининг тўхташи ва микротомирлар контурининг ювилиши қайд этилган. Фаолияти тўхтамаган капиллярлар диаметри $11,33 \pm 0,56$ мкм, улардаги қон оқими тезлиги $0,341 \pm 0,025$ мм/сек.

Олинган натижалар асосида жигардаги микроциркулятор кўрсаткичларнинг бузилишлари, гидродинамик босимининг пастлиги туфайли буйрак пўстлоқ қаватининг периферик бузилишларига нисбатан яққолроқ намоён бўлганлигини таъкидлаш учун асос бўлган. Бу тиреоид гормонлар юқори концентрациясининг таъсири билан боғлиқ. Тиреотоксикозда периферик қон томирлар умумий қаршилиги ва томирлар қисқариш реакциясининг пасайиши кузатилади. ҚБ функциясининг бузилиши эндотелиал дисфункцияга ҳамда коагуляция ва фибринолиз тизимидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Гипертиреоз ҳолатининг патогенезида айнан шу аспекти, қоннинг гидродинамик босими ва қон оқимининг тезлиги, буйрақларга нисбатан олганда пастлиги, жигардаги микроциркулятор бузилишларнинг яққол намоён бўлишини кўрсатиб берди. Жигар қон айланиш тизимининг ўзига хослиги, яъни унга келувчи қоннинг $\frac{3}{4}$ қисми v. portae тизимидан келиши ҳисобига микроциркулятор ўзанда паст босим юзага келиши муҳим роль ўйнайди. Буйрақларда эса бунга тескари бўлган ҳолат кузатилади, сабаби уларнинг бевосита аортанинг қорин қисмидан қон билан таъминланиши микроциркулятор ўзандаги юқори босимни белгилайди.

Диссертациянинг «**Тажрибавий тиреотоксикозда қонда гемостаз тизими кўрсаткичларини ўрганиш**» деб номланган олтинчи бобида тажриба ҳайвонлари қонининг гемостаз кўрсаткичлари натижалари тақдим этилган. Гемостаз тизими организмнинг гомеостазини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу биологик тизим, қоннинг суюқлик ҳолатини таъминлайди, шу билан биргаликда қон кетишини олдини олади, қон томир деворларини структур бутунлигини таъминлайди, улар шикастланганда тромб ҳосил қилиб тиклайди. Тиреоид гормонлар организмнинг қон ивиш тизимига ва хужайралар таркибига таъсирга этади. Бу ҳолат диссертация ишининг вазифаларидан бирини белгилаган бўлиб, тажрибавий тиреотоксикозда лаборатор ҳайвонлар гемостаз тизимини динамикадаги ўзгаришлари назоратини тақазо этди.

Интакт ҳайвонлар қон ивишини текширилганда тромбоцитлар кўрсаткичи $416,0 \pm 20,5 \times 10^9$ /л тенг бўлди (1-жадвал). Тажриба ҳайвонлари тромбоцитлари тажрибанинг 7-кунида $431,2 \pm 17,3 \times 10^9$ /л тенг, мос равишда интакт ҳайвонлар қийматидан 3,6% ошган. Тажрибанинг 14 чи кунида тромбоцитлар $440,5 \pm 12,6 \times 10^9$ /л тенг бўлди, мос ҳолда 5,7% ошди. 21 кундан сўнг тромбоцитлар миқдори $496,0 \pm 15,0 \times 10^9$ /л тенг, мос равишда интакт ҳайвонлар қийматидан 19,2% ошди. Айниқса, тажрибанинг 28 чи куни тиреотоксикоз фонида тромбоцитлар миқдори ошиб борди ва

510,3±20,0×10⁹/л ташкил қилди, мос ҳолда интакт каламушлар кўрсаткичидан 22,5% ошди. Бу ҳолат тажрибадаги ҳайвонларда узоқ давом этувчи тиреоид гормонлар дисбаланси, тромб ҳосил бўлиш эҳтимолини оширади деган тахминларимизни тасдиқлади.

1-жадвал

Динамик кузатувдаги лаборатор ҳайвонлар гемостаз тизими кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Интакт гуруҳ	7 кун	14 кун	21 кун	28 кун
Тромбоцитлар × 10 ⁹ /л	416,0±20,5	431,2±17,3	440,0±12,6	496,0±15,0***	510,3±20,0***
ҚФТВ, сек	22,4±0,45	18,4±0,41***	17,8±0,55***	17,0±0,55***	16,8±0,86***
Протромб. вақти, сек	23,6±1,1	22,8±1,84	20,6±0,9*	16,1±0,75***	15,4±0,92***
Фибриноген, г/л	1,7±0,33	1,98±0,30	2,15±0,36	2,30±0,40	2,88±0,27*

Изоҳ: *- фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли ва 28 кун назорат (* - P<0,05; ** - P<0,01; (***) - P<0,001).

Муҳим кўрсаткичлардан бири қисман фаол тромбопластин вақти, шуни кўрсатдики, 28 кун давомида бу кўрсаткич интакт ҳайвонлар қийматидан сезиларли ўзгаришга учрамади ва 22,4±0,45 сек тенг бўлди. Тажрибанинг 7 чи кунда қисман фаол тромбопластин вақти 18,4±0,41 сек тенг бўлди, интакт ҳайвонлар қийматидан 18,1% камайган. 14 кундан сўнг қисман фаол тромбопластин вақти 17,8±0,55 сек тенг, интакт ҳайвонлар қийматидан 20,5% пасайган. 21 кундан сўнг қисман фаол тромбопластин вақти 17,8±0,55 сек тенг, интакт ҳайвонлар қийматидан 24,5% пасайган. Вақт ўтиши билан тажрибавий тиреотоксикозда динамикада (28 кун кузатувда) гормонлар дисбалансида қисман фаол тромбопластин вақти интакт ҳайвонлар қийматидан 25% қисқарди, мос равишда 16,8 ± 0,86 сек на ташкил қилди.

Протромбин вақти кўрсаткичи интакт каламушларда 23,6±2,1 сек тенг. Тажрибанинг дастлабки 7 кундан сўнг протромбин вақти 22,8±1,84 сек, мос ҳолда интакт ҳайвонлар қийматидан 3,5% пасайган. 14 кундан сўнг 12,8% қисқарди, 20,6±0,9 сек ташкил қилди. Кузатувнинг 21 кун тажриба ости ҳайвонларда протромбин вақти 16,1±0,75 тенг, мос равишда 31,8% интакт ҳайвонлар қийматидан пасайди. Шундай қилиб, 28 кундан сўнг протромбин вақти кўрсаткичи 15,4±0,98 сек тенг, интакт ҳайвонлар қийматидан 34,8% камайган.

Тажрибага олинган ҳайвонларда фибриноген миқдори интакт гуруҳда 1,7±0,33 г/л тенг, аввалги 7 кунлик кузатувда интакт ҳайвонлар қиймати билан солиштирганда 1,98±0,3 г/л тенг, мос ҳолда 16,4% ошган. Кузатувдаги ҳайвонларнинг тиреотоксикоз ҳолатида 14 кундан кейин фибриногенни енгил ошиши аниқланди ва 2,15±0,36 г/л тенг, интакт ҳайвонлар қийматидан 26,4% ошган. Тажрибанинг 21 кун ва айниқса 28 кун кузатувларда фибриноген

миқдори интакт гуруҳ билан солиштирганда $2,30 \pm 0,40$ г/л ва $2,88 \pm 0,27$ г/л тенг бўлди, мос равишда интакт ҳайвонлар қийматидан 35,2% ва 69,4% ошди.

Тиреоид гормонларнинг коагуляцияси – фибринолиз тизимига таъсири, уларнинг рецепторлари билан боғланиши даражасига боғлиқ. Нормал ҳолатда эндотелий адгезия, тромбоцитлар агрегацияси ҳамда коагуляция реакциясини эффектив бартараф этади. Гемостатик реакцияларда асосий вазифа тромбоцитларга юклатилганлиги боис, уларнинг юқори миқдори тажриба ости каламушларда қоннинг ивиши ошишидан дарак беради (гиперкоагуляция синдроми). Тажрибадаги кузатув остидаги ҳайвонлар гемостаз тизимини характерловчи асосий анализларни таҳлил қилинганда, тажрибавий тиреотоксикозда тромбоцитозни ошиб бориши, қисман фаол тромбопластин вақти ва протромбин вақтини қисқариши, фибриноген миқдоринини ошиши аниқланди.

Таъкидлашимиз жоизки, олинган натижалар, мембраналар структурасини стабиллаш, микроциркуляция ўзанини асосий компонентларини тиклаш ҳамда янги замонавий даволаш усуллари ишлаб чиқаришда, ўзгаришларни коррекция қилиш учун янгича ёндашиш йулини очади.

ХУЛОСА

«Тажрибавий тиреотоксикозда қон хусусиятлари ҳамда жигар ва буйрақлар микроциркуляцияси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Тажрибавий тиреотоксикоз эрта муддатларда эритроцитларнинг электрофизиологик хусусиятлари, қон реологияси, микроциркулятор тизимининг динамик ва статик параметрлари бузилиши билан кечади ва бу ўзгаришлар айниқса жигарда яққолроқ намоён бўлади.

2. Эритроцитлар мембранаси электрофизикавий хусусиятларининг (эритроцитлар электрофоретик потенциали ва “ ζ ”-потенциали) тиреоид гормонларнинг юқори концентрациялари таъсирида бузилиши, фикримизча, тиреотоксикоз патогенезида асосий омил бўлиб, реологик ўзгаришларнинг оғирлик даражасини белгилайди. Қон оқимини силжиши тезлиги ва динамик қовушқоқлигининг пасайиши қон оқимида паст босим таъсир кўрсатадиган соҳаларда кескин намоён бўлади.

3. Микрогемоциркулятор бузилишларнинг намоён бўлиши, тиреотоксикоз ривожланиш муддати ва органларнинг худудий қон айланишини ўзига хослигига боғлиқ бўлади. Дарвоза венасидан қоннинг катта қисмини олувчи жигар маҳаллий қон айланиш тизимида гидродинамик босимнинг нисбатан паст кўрсаткичлари микроциркулятор ўзандаги чуқур ўзгаришларни белгилайди.

4. Буйрақлар пўстлоқ қавати микроциркулятор ўзани бузилиши тажрибанинг якуний муддатларида аниқ ифодаланди. Шунини таъкидлаш жоизки,

бу тизимдаги қон оқими тезлиги пасайиши, микромирлар диаметрининг ортиши каби ўзгаришлар кўп ҳолларда транзитор характерга эга бўлди.

5. Протромбин ва фибриноген ишлаб чиқаришини стимулловчи тиреоид гормонларининг ортиқча концентрацияси гиперкоагуляцияга сабаб бўлади, бу эса протромбин вақтининг қисқариши ва қисман тромбин вақтининг фаоллашиши билан намоён бўлади. Коагуляция ва фибринолиз тизимида мувозанат бузилиши, енгил эндотелиал дисфункция билан кечиши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ Dsc.27.06.2017.Tib.30.03
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

ЮЛДАШЕВА ДИЛДАРА ДАЛИКУЗИЕВНА

**СВОЙСТВА КРОВИ И МИКРОЦИРКУЛЯЦИЯ ПЕЧЕНИ И ПОЧЕК
ПРИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОМ ТИРЕОТОКСИКОЗЕ**

14.00.16 – Нормальная и патологическая физиология

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинета Министров Республики Узбекистан за № B2018.4.PhD/Tib725 .

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трёх языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный консультант: **Ирискулов Бахтиёр Уктамович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Юлдашев Носир Мухаммаджонович**
доктор медицинских наук, профессор

Урманова Юлдуз Махкамовна
доктор медицинских наук

Ведущая организации: **Самаркандский государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «__»_____2019 г. в__ часов на заседании Научного совета при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109. г.Ташкент, ул.Фароби, дом 2. Первый учебный корпус Ташкентской медицинской академии, 4-этаж, зал заседаний. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрированной за №__). Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фароби, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2-учебный корпус «Б» крыло, 1 этаж, 7-кабинет. Тел/факс: (+99871) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «__»_____2019 г.
(реестр протокола рассылки №__от «__»_____2019 г.)

Г.И. Шайхова
председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, профессор

Н.Ж. Эрматов
ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, доцент

З.А. Гиясов
председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, доктор медицинских наук,
профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире за последние 20–30 лет накоплено большое количество данных о многообразии природы и функции гормонов щитовидной железы (ЩЖ) на молекулярно-клеточном уровне. Заболевания ЩЖ, сопровождающиеся тиреотоксикозом, встречаются примерно у 2% людей, проживающих в регионе легкого и умеренного йодного дефицита. Распространенность синдрома тиреотоксикоза в популяции составляет 0,5–1,2%. Данный синдром часто встречается в возрасте до 40 лет, в 10 раз чаще у женщин (2%), чем у мужчин (0,2%). Тромбоэмболия отмечается у 18% умерших по причине тиреотоксикоза¹. В последние годы отмечается неуклонный рост тиреопатии, суммарная частота которых даже вне зон зобной эндемии достигает до 20% общей заболеваемости. По данным Всемирной организации здравоохранения патологией ЩЖ страдает более 200 млн. человек². Только за последние 5 лет абсолютный прирост числа вновь выявленных заболеваний в экономически развитых странах составил 31,8% среди женщин и 16,7% среди мужчин.

В мире проводится целый ряд научных исследований, направленных на улучшение качества оценки функции щитовидной железы при тиреотоксикозе различной этиологии с целью достижения высокой эффективности профилактики. В частности, разработать свойства мембран эритроцитов, определяющих их поведение в различных участках микроциркуляторной системы, его электрическая подвижность и “ζ”-потенциал мембран эритроцитов, с целью выявить характер динамики расстройств реологических свойств крови, а так же скорости сдвига и её динамической вязкости. Особое значение имеет так же исследовать в печени расстройства динамических и статистических параметров системы периферического кровообращения, так же исследовать расстройства динамических и статистических параметров системы периферического кровообращения коркового слоя почек.

В Республике Узбекистан за последние годы осуществляется кардинальное реформирование системы здравоохранения. В настоящее время, согласно Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы³, важно повысить качество оказания специализированной медицинской помощи. Первостепенными задачами, ожидающими своего решения, являются ранняя профилактика йоддефицитных состояний, диагностика и оказание высококвалифицированной, качественной медицинской помощи, в том числе при тиреотоксикозе. Важными задачами является совершенствование методов лечения, предупреждение инвалидизации в результате неправильного лечения тиреотоксикоза различного генеза, за счёт расширения применения современных технологий,

¹ Erem S. Thyroid disorders and hyper coagulability // Seminars in Thrombosis and Hemostasis. - 2011. - Vol. 37, №1. - P. 17-26.

² Отчёты ВОЗ, 2017.

³ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года.

что позволит уменьшить заболеваемость и увеличить продолжительность жизни различных слоёв населения Республики.

Данное диссертационное исследование в определённой степени способствует решению задач, в законах Республики Узбекистан № ЗРУ-393 «О санитарно-эпидемиологическом благополучии населения» от 26 августа 2015 г., обозначенных в Указе Президента Республики от 07 февраля 2017 года, № УП-4947 «О Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 г., в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской населению Республики Узбекистан» от 20 июня 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной отрасли.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационная работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. В последние годы в литературе активно обсуждаются вопросы нарушений в системе гемостаза у больных с патологией ЩЖ. Исследованиями дальнего зарубежья было представлено влияние тиреоидных гормонов на гемостаз (Horn M. et al, 2004; Dörr M. et al, 2006; Erem C., 2011;). Vollmar B.E. et al. (2009) и Thomas W.D. et al. (2017), Charles R. et al (2010) изучали микроциркуляцию печени и почек, Szymanski J. et al (2018) разработали новую классификацию ангиоархитектонику почек. Ряд авторов ближнего зарубежья изучали тиреотоксическую печень, реологии при различных состояниях и свойство мембраны эритроцитов (Здюмаева Н.П. и соавт., 2007; Осиков М.В. и соавт., 2007; Медведев И.Н. и соавт., 2009; Муравьев А.В. и соавт., 2009; Курилович С.А. и соавт., 2009; Стадник Н.А., 2014). Научные работы по изучению электрокинетических свойств мембраны эритроцитов, реологические нарушения крови и нарушения печени и почек при тиреотоксикозе не проводились.

